

УДК 626/627:556.536(043)

**АМУДАРЁНИНГ ҚАРШИ МАГИСТРАЛ КАНАЛИ НАСОС
СТАНЦИЯСИГА СУВ ОЛИБ КЕЛИШ СОҲАСИДАГИ ГИДРОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Д.Р.Базаров

“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети, профессори

М.Б.Иноятов

“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни
бошқарии институти магистранти

Ж.Ф.Холлиев

“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни
бошқарии институти, асистенти

Б.Б.Амруллаев

“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни
бошқарии институти талабаси

Аннотация: Тадқиқот обьекти ўзани тез ювиладиган грунтлардан ўтадиган Амударё ҳавзаси ўрта оқимида жойлашган бўлиб, Республикасинг Қашқадарё вилояти сугориши майдонларига сув етказиб берадиган Қарши Магистрал каналининг тўғонсиз сув олиш худуди хисобланади. Дастрраб Амударёнинг асосий характеристикасини ўрганамиз.

Амударё Марказий Осиёнинг энг катта дарёларидан бири бўлиб, Афғонистоннинг Хиндикуш тепалигининг шарқий ёнбагир нишабликларидан бошланиб, шимолга ва шимолий ғарбга томон оқади. Амударё Вахш, Бахандарё, Помир ва Панж дарёлари бирлашишидан пайдо бўлиб, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон мамлакатлари худудлари орқали оқиб ўтади. Дарёлар бирлашган створдан 1437 км масофада оқиб, Орол денгизига қўйилади. Амударёнинг ҳавзаси умумий майдони 465 минг км²ни ташкил қиласи. Сув йифиладиган майдони эса 216 минг км²ни ташкил қиласи.

Амударё ҳавзаси икки қисмга бўлинади: тоғли худуд Олой-Помир ва Хиндукуш системасида жойлашган бўлиб дарё асосан ривожланган гидрографик тармоқли ёғингарчилик юқори бўлган тоғли қисмида сув билан таъминланади. Дарё ўзанида жуда кўплаб сув олиш иншоотлари барпо этилган.

Дарёнинг пасттекислилик қисмида ёғингарчилик кам бўлиб, асосан баландлиги 100 м дан катта бўлмаган чўллардан иборат. Бу соҳада деярли, хосил бўлмайди чап қиргоқни Қорақум чўллари эгаллаган. Бу худудда Амударёнинг сув ҳажми қўшимча миқдорни олмасдан фильтрацияга, буғланишга ва суғоришга маълум ҳажмни йўқотади.

Амударё ўзининг тоғли қисмида тоғ жинсларини кесиб ўтади ва сезиларли катта нишабликка эга бўлиб, оқими бунинг ҳисобига юқори тезликка эга.

Дарёning пасттекислик қисмидан ўзани енгил аллювиал грунтлардан оқиб ўтади. Оқимнинг ўртача тезлиги ушбу соҳада сезиларли камаяди, лекин бу аллювиал енгил грунтларни ювилиши учун етарли даражада оқим ўз тезлигини сақлаб қолади. Айнан шу сабабли Амударёнинг ушбу соҳасида унинг туби ва қирғоқлари доимий равишда ювилади ва ўз йўналишини ўзгартириб туради. Тоғли худуддан чиққандан кейин водий худудга кириши билан босқичма-босқич кенгая боради ва Чордвоу шаҳри яқинида 20 км лик кенгликларга ҳам эга соҳалари мавжуд. Дарё ўзандаги жараёнлар таснифи бўйича кўп тармоқланувчи дарёларга киради. Ўнг қирғоқ томони унчалик катта бўлмаган баландликдаги Хисорак тизмаларидан иборат.

Дарёдаги оқимнинг Чордоу-Керки гидропостлари оралиғидаги пасттекислик қисмида сатҳ эгрилиги нишаблиги 0,00022 ни ташкил этади. Ильчик Туямуон дарасигача бўлган оралиғида чўл дарё қирғогигача келиб туташади. Чарджоу-Ильчик-Туямуон оралиғида Амударё сув сатҳи эгрилиги 0,00019 ни ташкил этади.

Туямуон дарасидан кейин Амударё эски дельта бўйлаб, тез ювиладиган аллювиал грунтлардан оқиб ўтади. Дарё водийси Туямуондан Қорамиштош қишлоғигача кенгайиб боради. Водий асосан тез ювиладиган кулранг қумдан иборат бўлиб, улар суглинок билан қопланган. Дарё бир неча ирмоқларга тармоқланади ва ирмоқлар орасида оролчалар шаклланади. Бу ўзандаги кўп тармоқланиш ҳисобланади. Дарё бу участкаларда доимий деформацион жараёнларни амалга оширади, дарё ўз қайирлари чегарасида тўлғаниб туради. Бунда гоҳ чап, гоҳ ўнг қирғоқлар ювилиб туради. Дарёning ушбу соҳасида асосий серҳосил қишлоқ хўжалик ерлари жойлашган бўлиб, асосан чап қайирдаги Хоразм оазиси жуда серҳосил ҳисобланади.

Қорақамиш қишлоғидан кейин дарё кенглиги торая боради. Дарёning ўнг қирғоғи Султон Ўздоғ тизмаси билан туташган бўлиб, Қоратоғ ва Емуртоғ тоғлар оралиғида дарёning қайири йўқ. Қорамиштош-Чатли оралиғида сув сатҳи эгрилиги нишаблиги 0,00014 ташкил этади. Кейинги соҳаларда дарё ўз дельтаси соҳасида бир нечта ирмоқларга тармоқланиб, кейин Орол денгизига қуйилади.

Амударёда тўғонсиз сув олиш иншоотларининг оқимнинг динамикаси ва гидродинамик хусусиятларига таъсирини башорат қилиш канал гидравликасининг муҳим вазифаларидан биридир. Тўғонсиз сув олиш ҳолатида ўзан жараёнининг ривожланиши сув олиш иншоотининг ишончлилиги ва ишлашига салбий таъсир қиласи. Тадқиқот обьекти бўлган Қарши магистрал канали – ҚМК Амударёнинг тўғонсиз сув олиш худудининг бир қисми ҳисобланади.


Кўпгина мамлакатларда тўғонсиз сув олиш иншоотини ишончли ишлашини таъминлашга, бош иншоотни кафолатланган сув олиш билан таъминлашга, лойқа чўқиндиларни сув олиш каналига киришини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзан жараёнларининг ривожланишини тўғонсиз сув олишнинг


ишончлилиги ва ишлашига салбий таъсири бўйича тадқиқотлар олиб бориш, дарёдан сув олиш худудида ўзан жараёнларининг интенсивлиги ва йўналишини аниqlаш, сув олиш каналига минимал миқдордаги лойка оқизиқларни киришини таъминлаб сув олишни яхшилаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожланиши, худуд шароитига хос сугориладиган ерлар учун сувга бўлган талабни кескин оширмоқда. Бундан ташқари худудда гидроэнергетиканинг ривожланиши мавжуд сув ресурсларини фойдаланиш вақтлари ва миқдорини қайта тақсимланишига олиб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси дарёларнинг сув оқимлари гидрологик режимларини ўзгаришига сабаб бўлди. Ушбу вазиятда планетадаги глобал исишлар Марказий Осиёда шаклланган сув ресурслари етишмовчилигини янада оширмоқда. Юзага келган мураккаб сув ресурслари етишмовчилиги шароитида ҳалқ ва қишлоқ хўжалигини ўз вақтида керакли сув миқдори билан таъминлаш учун ўтган асрларда асосан ирригация мақсадларида қурилган Гидротехник иншоатларнинг эксплуатацион шароитлари самарадорлигини оширишни вақт тақозо қилмоқда. Ушбу вазифаларни бажаришда дарёлардан сув олишнинг самарадорлигини ошириш, сув олиб келиш соҳасидаги ўзандаги жараёнларни ростлаш ва оқим гидродинамик элементларини иншоот таъсир соҳасида ўзгариши, ўзан ва оқим ўртасидаги ўзаро таъсир натижасида юз берадиган жараёнларни жадаллиги ҳақида етарли маълумотлар базасига эга бўлиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Амударёning ўрганилаётган қисми КМК тўғонсиз сув олиш зонасида жойлашган ва Керки шаҳрининг сув ўлчаш постидан 22 км баландликда жойлашган. Ўрганиладиган худуднинг умумий узунлиги 10-12 км ни ташкил қилади. Ушбу худуд иккита характерли қисмга эга: юқори қисми сув олиш жойидан 6 км юқорироқда, пастки қисми эса сув олиш жойи ва Қизилояк пости ўртасида жойлашган

Юқори қисмida бекарор ўзан мавжуд бўлиб бу ердаги дарё туби қумлишилмеш тупроқлардан иборат, қирғоқлари эса аллювалл кум кўринишидаги пасттекисликларга ега. Асосий ўзан дарёning ўртасида ёки ўнг қирғоқ бўйлаб оқади ва баъзан оқим йўналиши чап қирғоқка ўзгариб туради.





1-расм. Амударё дарёси КМК тўғонсиз сув олиш худудида створларга бўлиниши ва йиллар давомида ўзан жараёнлари

Ушбу ўзаннинг бундай жойлашуви ўнг қирғоқ бўйлаб орол пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бу оролча сув сатҳи юқори бўлганда яъни тўлин сув даврида сув остида қолади, кам сув даврида яна хосил бўлади. Орол маълум даражада Пулизиндан тепалиги йўналиши бўйича оқимни тўхтатади. Пулизиндан тепалиги яъни ўнг қирғоқ бўйлаб хосил бўлган оқим энг катта чуқурликка эга бўлиб 8-12 м ташкил киласди, баъзан еса 14 м гача етади. Ўнг қирғоқдаги сув олишнинг бош қисмида Пулизиндан тепалиги оҳактош тоғ жинсларидан мавжуд бўлиб ва дарёning ювилмайдиган, дарёning кенглиги бўйича энг кичик худудни хосил қиласди. Қирғоқ зона хисобланган Кизилаяк қишлоғи иккинчи худуд хисобланиб Пулизиндан тепалигидан 4-6 км пастликда Амударёning чап қирғоғида жойлашган. Чап қирғоққа яқинлашганда асосий оқим чап қирғоқ ўзан бўйлаб оқишини кузатиш мумкин. Қишида дарё оқими асосий қисми 0,25 км гача камаяди. Тўлин сув даврида дарёning кенглиги ўнг қирғоққа қараб сезиларли даражада ошади ва 1,5 км га етиши мумкин. Дарёning қайири баҳорги-ёзги тошқин пайтида 5500-6000 м³/с ва ундан кўпроқ сув оқими билан тошиб кетиши кузатилади.

Сўнги йиллардаги тадқиқотлар таҳлил ли шуни кўрсатадики Амударёning КМК тўғонсиз сув олиш худудидаги оқим асосан ўнг соҳил бўйлаб оқади. Қишининг серсув вактида сув олишнинг юқорироқ қисмида ҳам сув оқими ўнг соҳилга қараб силжиганлигини кузатиш мумкин.

КМК сув олиш канали орқали етказиб беришда, дастлабки биринчи км да катта нанослар чўкади, яна 10 кмда нисбатан майдага фракцияли нанослар чўкиши кузатилади. Бу нанослардан ўзанни тозалаб, канални яхши ҳолатини сақлаб, ўтказувчанлик қобилиятини максимал даражада сақлаш учун земснарядлар паркини янгилаш зарур.

Таъкидлаш лозимки, Амударё ўзининг лойқаланганилиги бўйича дунёда иккинчи дарё хисобланади. Шуни инобатга олганда, ундан каналга жуда катта микдорда ўзан

туби бўйлаб судралиб унга гоҳ урилиб, гоҳ ундан узулиб ва сув оқими таркибида муаллақлашган нанос заррачалари кириб келади. Бу наносларнинг маълум қисми суғориш каналидан ўтиб экин майдонларигача етиб боради. Бу ҳам насос станциялари иш режимини мураккаблаштиради.

Бундан ташқари Нурек ГЭСини ирригацион мақсаддан энергетик мақсадда фойдаланиш режимига ўтиши қишики ёзги сув ташлашни 2-2,5 маротабага ошириб, ёзгисини 2 маротаба камайтириди ва сунъий сув тақчиллигини келтириб чиқарди. Албатта, бу ҳолат ҳам шундок ҳам мураккаб бўлган Амударёдан сув олишни янада мураккаблаштиради.

Наносларни ҚМК кириш каналига киришини камайтириш учун кириш соҳаси канал конструкциясини шундай қайта таъмирлаш керакки унда дарёдаги оқим циркуляциясини такомиллаштириб, наносларни асосий қисмига эга оқим дарёнинг сув олиш иншоотидан пастга қараб йўналиши ва нисбатан оқимининг кам наносли қисми каналга киришини таъминлаш керак.

Дарёнинг сув тошқини даврида асосий ўзанининг кенг ўзгариши Қизилоёқ қишлоғининг қирғоқ минтақасида интенсив эрозия зонасидаги холатлардан таққосласа бўлади. Бу эса у ерда қирғоқ эрозияси содир бўлмоқда натижада асосий оқим Қизилоёқ постининг маданий ерлари жойлашган чап қирғоқлари бўйлаб ювилишга сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, Амударёning асосий ўзанининг ўзгариб туриши, сув олишнинг кўпайиши, дарёда ҳаддан ташқари лойка оқизиқлар кўпайиши натижасида сув олиш трассаси остига чўкиндилар йифилади. Бу канал тубининг чукурлашишига ва кўтарилишига олиб келади, Кўргина холатларда оқимнинг интенсив оқиши, лойка чўкиндиларни сув олиш каналининг ўнг қирғогига ташланиши оқимнинг чап қирғоқка силжишига қисман таъсир кўрсатади.



2-Расм. ҚМК сув олиш каналидаги земснарядлар

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Базаров Д.Р., Хидиров С.К., Норқулов Б., Мавлянова Д., Люценко Л. Математическое моделирование движение потока в сильно меандрирующих руслах

и ее верификация, “Иrrигация ва мелиорация” журнали № 2, 2015 й. Т. 2015. с 76-84.

2. Базаров Д.Р., Хидиров С.К., Школьников С.Я.Основные типы анизотропии гидравлического трения в двумерных (плановых) управленииах Сен-Венана. “АгроВим” № 4 (42), 2016, Ташкент 2016, с 78-79.

3. Базаров Д.Р., Хидиров С.К., Школьников С.Я., Мавлянова Д.А., Каххоров У.А. Гидравлические аспекты компьютерного моделирования резкоизменяющегося движения водного потока на напорных гидротехнических сооружениях, “Иrrигация ва мелиорация” журнали № 2 (4), 2016 й. Т. 2016. с 42-46.

4. Абдувалиев, Хайтбой Абдуганиевич. "ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАПРАВЛЕНИЯ ИЗУЧЕНИЯ ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ НАСЕЛЕНИЯ". Научный вестник Наманганского государственного университета 2.6 (2020): 255-261.

5. Абдувалиев, Абдуганиевич Ҳайтбой, and Гулмира Мамажоновна Парпиева. "ФАРГОНА ВОДИЙСИДА АҲОЛИНИНГ ЕР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ ВА УНИНГ АҲОЛИ ЗИЧЛИГИГА ТАЪСИРИ." *Academic research in educational sciences* 3.4 (2022): 1174-1183.

6. Abduvaliyev, H. A., Vahobjonov, A. A. O., & Rahimberdiyeva, K. D. Q. (2022). ENCLAVE AND EXCLAVE REGIONS OF CENTRAL ASIA. *Scientific progress*, 3(1), 87-89.

7. Abduvaliyev, H. A. A., Hamdamova, F. A. Q., & Eraliyev, Z. Z. Q. (2021). LANDSHAFT OMILI ASOSIDA AHOLI HUDUDIY TAKRIBINI TAKOMILLASHTIRISH. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(11), 1219-1223.

8. Абдувалиев, Абдуганиевич Ҳайтбой, and Абдусатторжон Абдумалик Ўғли Абдулхамидов. "ФАРГОНА ВОДИЙСИДА АҲОЛИ ЖОЙЛАШУВИНИНГ ИЖТИМОИЙИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ." *Academic research in educational sciences* 2.12 (2021): 1127-1136.

9. Абдувалиев, А. Ҳ., & Абдулхамидов, А. А. Ў. (2021). ФАРГОНА ВОДИЙСИДА АҲОЛИ ЖОЙЛАШУВИНИНГ ИЖТИМОИЙИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(12), 1127-1136.